O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ЮРТИМИЗДА ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК, АҲИЛЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ОЛДИМИЗДА ТУРГАН БАРЧА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭНГ КАТТА ПОЙДЕВОР.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 31-mart • Shanba • 40 (27.685) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

30 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқишдан бошладилар. Қонун этил спиртини, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини контрабанда йўли билан олиб киришга, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташишга, ўтказишга, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатишга қарши курашни кучайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонунда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига реал хавф соладиган ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда, бундай қонунбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Қонунда чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмоқда. Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чоралар маҳсулотларни, агар уларни истеъмол қилиш фуқароларимизнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган бўлса, қонунга хилоф равишда олиб киришнинг, ғайриқонуний тарзда ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ва пайини қирқиш учун янада самаралироқ шароитлар яратилишига олиб келади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қонунда мужассам топган ҳуқуқий чоралар энг аввало автомототранспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикасининг халқаро фаолияти билан боғлиқ иккита ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилди ва маъқулланди. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, шулардан биринчиси «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлиб, у Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илк бор 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг мантиқий ҳосиласидир. Ўзбекистон Президентининг айни ана шу ташаббуслари 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинскда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани имзолаш йўли билан халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Бу Шартнома минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик сақланишини таъминлашга қаратилган муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Халқаро туркумга мансуб иккинчи ҳуқуқий ҳужжат — «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Евроосиё маконида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорини (Санкт-Петербург, 2005 йил 6 октябрь) амалга ошириш билан боғлиқ. Қарорда «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотини Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлаштириш ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу интеграциялашув жараёнлари ривожланишидаги янги босқичдан далолат беради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни ҳам маъқуладилар.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Тулкуной Касимовна **Мардиева**
Вохид Маматалиевич **Назаров**
Дильбар Жолдасбаевна **Суюнова**
Нормад Ахмадкулович **Тожибоев**
Зуфар Султонович **Усмонов**
Хамиджон Каландарович **Шамшиев.**

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 март

МИНТАҚАНИНГ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА СИЁСИЙ МАРКАЗИ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан кенг шарҳлаш давом этмоқда. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларида араб тилида нашр этилувчи марказий газета — «Ал-Баён» саҳифаларида яқинда мазкур воқеага бағишланган мақола эълон қилинди.

Мамлакатимиз пойтахтининг нуфузи ва аҳамияти ISESCO томонидан юксак эътироф этилгани муносабати билан Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсидан кўчирмалар келтириш баробарида нашр Ўзбекистон бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга бўлган Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири эканига урғу беради. «Араб ва ислом тарихида бугунги Ўзбекистон ҳудуди Мовароуннаҳр номи билан машҳурдир, — деб ёзади «Ал-Баён». — Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида мустақилликни қўлга киритган мамлакат ўз тарихи, миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон минтақанинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида доимо марказий ўрин эгаллаб келган. Бу заминда турли маданиятлар, цивилизациялар ва динлар уйғунлашиб кетган бўлиб, улар орасида ислом дини, албатта, алоҳида аҳамиятга эга».

«2,5 миллион нуфузга эга бу шаҳар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги энг йирик маданий ва тарихий марказдир, — дейди ISESCOнинг Тошкентни ислом маданияти пойтахти, деган юксак унвон билан мукофотлаш тўғрисидаги қарорини шарҳлар экан Польшанинг нуфузли «Газета Виборча» нашри. — Ўзбекистон пойтахтидаги Тошкент Ислом университети МДҲ ҳудудида бу соҳага ихтисослашган ягона олий ўқув юрти бўлиб, у дин, сиёсат, миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинган турли халқаро учрашувлар, давра суҳбатлари ва конференцияларга кўп бора мезбонлик қилган.

ISESCO Тошкент номзодини танлашда мамлакат раҳбарияти томонидан ўзбек халқи ва ислом цивилизациясининг маданий ҳамда маънавий қадриятларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш борасида юритилаётган сиёсатни эътиборга олган. ISESCO ўз қарорини, шунингдек, Марказий Осиёдаги энг кўҳна шаҳарларидан бири бўлган Тошкентнинг бой тарихи ва маданияти жаҳон тамаддуни тараққиётида алоҳида ўрин эгаллагани билан ҳам изоҳламоқда».

«Жаҳон» АА

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Юртимизда Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда Париж жамоатчилиги «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Европадаги илк ваколатхонаси очилиши ва ЮНЕСКО билан «Англашув меморандуми» имзоланишига бағишланган маданий тадбирлар гувоҳига айланди. Ўзбекистонлик етакчи либос дизайнерлари ва санъаткорлар иштирокидаги ранг-баранг шоу-дастур дунёга машҳур Лувр музейининг нуфузли залларидан бири «Carrousel du Louvre»да, «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» номли кўргазма эса Франция Сенатининг Люксембург саройида бўлиб ўтди.

Ушбу маросимларда Франциянинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, таниқли олимлар, дипломат ва журналистлар иштирок этди.

Унда сўз олган сенатор Аймери де Монтескьюнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Париждаги маданий тадбирлари кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Жамғарманинг Францияда ваколатхонаси очилиши эса европаликлар учун Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан танишишда янги имкониятларни очади.

Шу ўринда юқорида қайд этилган тадбирлар муносабати билан ташкил этилган шоу-дастур ва фотокўргазма Ўзбекистон анъанавий ва замонавий санъатининг энг ёрқин қирраларини намоён этганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, «Carrousel du Louvre»да ташкил этилган шоу-дастурда бетакрор миллий рақслар, замонавий мусиқа йўналишлари, ноёб болалар ижодиёти ҳамда ўзбекистонлик таниқли модельерларнинг энг сўнгги либослар қолларидан намойиш этилди.

FUND FORUM. UZ

«Ўзбегим юлдузлари» миллий чолғучилик ансамбли, жамғарманинг «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали совриндорлари меҳмонларни ўз санъатлари билан хушнуд этишди. Хусусан, француз тилида қўшиқ куйлаган Хадича Имомназарова, доирачилар сулоласи вакиллари бўлган ака-ука Ҳакимовлар ўз чиқишлари билан хорижликларни ҳайратда қолдиришди. Жонли ўзбек мусиқаси садолари остида европача брейк рақсини тақдим этган «Гранд мастер» гуруҳи дастурнинг чинакам янгилиги бўлди.

3-бет

ЭЛЛИККАЛЪАДА ҚЎШАЛОҚ ШОДИЁНА

Яқинда Элликқалъа тумани маркази Бўстондаги амфитеатр мажмуасида Наврўз байрами тантаналари кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Шунингдек, шу куни Элликқалъа тумани юбилейи ҳам кенг нишонланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Гофуржон Ражабов, туман ҳокими Неъматулла Худойберганов ва бошқалар сўзга чиқиб, йиғилганларни қўшалоқ айём билан табриклашди.

Сўнг театрлаштирилган томошалар, концерт дастури намойиш этилди. Шу кунларда туманнинг қишлоқ ва овулларида, хиёбонларда байрам сайиллари давом этмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

КУН ТАРТИБИДА ИЛМ-ФАН МАСАЛАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Илм-фан тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Йиғилишда илм-фан тизими ҳуқуқий базасининг ҳолати, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Семинарда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан фан соҳасидаги сиёсатнинг асосий ғоя ва йўналишлари, вазифалари белгилаб берилди. Ҳозирги кунда илм-фан билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Конституцияси, Фуқаролик, Солиқ, Жиноят, Меҳнат кодекслари, бир қатор Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари асосида амалга оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, йиғилиш давомида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил қонун ижодкорлиги режасига биноан тайёрланаётган «Фан тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг концепцияси ҳам муҳокама этилди. Уни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Маъмуржон МАҲМУД

АЖАБО

(Укам Анварга)

Дейсан, майда гапга қилмагил парво,
Улардан баландда юргил доимо.
Баланд бўлавериб бунинг баридан,
Айланиб кетди-ку бошим ажабо.

Абдулла ОРИПОВ,
28 февраль 2007 йил

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Қоровулбозордаги нефтчилар шаҳарчаси кун сайин чирой очмоқда. Наврўз шодиёналари кунларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан 825 миллион сўм маблағ сарфланиб, замонавий усулда бунёд этилган 15 та янги уй-жой калитлари ўз эгаларига топширилди.

Яна бир жиҳати, шаҳарчада янги болалар боғчаси биноси ҳам фойдаланишга топширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» охиригача яна 50 оилага мўлжалланган коттеж ҳамда кўплаб маданий-маиший иншоотлар барпо этилади.

Даврон БАҲРОНОВ

САЛКАМ 31 МИНГ АВТОМОБИЛЬ

«ЎзДЭУавто» компанияси шу йил бошидан то Наврўз байрамига қадар 30 973 та «Нексия», «Дамас», «Матиз», «Ласетти» автомобиллари ишлаб чиқарди. Уларнинг 16532 таси Россия, Қозоғистон, Украина, Озарбойжон, Молдова давлатларига экспорт қилинди. Ҳозир корхонанинг сифат тўғаракларида иқтисодий самараси янада юқори замонавий технологик тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

❖ Хушхабарлар

ШАКАР АРЗОНЛАШДИ

«Хоразмшакар» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган шакар нархи воҳада беш фоизга арзонлашди. Корхона иқтисодчилари фикрича, бунга Лотин Америкасидан келтирилаётган арзон хомашё сабаб бўлди. Масалан, биржа бозорида ҳозир бир тонна шакар нархи 842.3 минг сўм бўлса, икки ой олдин бу кўрсаткич бир миллион сўмдан ҳам ошиқроқ эди.

Рўзимбой ҲАСАН

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, уларнинг ишини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни ҳамда Сенат ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тўққизинчи ялпи мажлисда ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда 67 нафар сенатор сўзга чиқди.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни шу жиҳатдан олганда сенаторлар томонидан маъқулланган хусусан қуйидаги қонунлар — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонунлардаги қоидаларнинг амалга оширилиши бутун сиёсий, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнларига, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш бардавомлигига чуқур таъсир ўтказади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

❖ **Мустақиллик — энг буюк неъмат**

ОБОД ЮРТ ОДИМЛАРИ

Қалбида Ватанга муҳаббати бор инсон — чинакам бахтли инсон. Чунки, она-юртни севиш, уни ардоқлаш, бағрида тинч-осойишта умргузаронлик қилишни дилига туккан одам ҳамиша ўз Ватани равнақи йўлида фидойилик кўрсатади. Уни обод этишни ўзининг энг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

Мустақиллик йилларида Наманган вилояти ҳам ана шундай кишиларнинг саъй-ҳаракати билан улуғвор ўзгаришларга юз тутди. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада гўзаллашиб, равон кўчалар, обод гўшалар, замонавий иморатлар, сўлим хиёбонларнинг барпо бўлишида бундай фидойи инсонларнинг заҳматли меҳнати-ю беминнат пешона теридан бошқа яна бир нарса — олижаноб қалби-ю эзгу ниятлари ҳам қўл келаётганини бугун ҳар бир киши дилдан ҳис қилади. Чор-атрофдаги боғ-роғлар, Наманганнинг табиатига монанд қурилган фавворалар-ни кўрганлар, ойнадек теп-текис йўлларида юрганлар, шу юртни обод қилаётганлар шаънига илиқ гапларни айтади.

Айни кунларда вилоят марказини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Президентимиз вилоятда бўлганларида Наманган аэропортини реконструкция қилиш бўйича зарур тавсияларни берган эдилар. Шундан сўнг бу ерда иш янгича ёндашувлар билан янада жадаллаб кетди. Водийда ягона аэропорт сифатида қад ростлаётган мазкур иншоот ҳозирда тамомила замонавий қиёфа касб этмоқда. Шаҳарнинг «Чорсу» даҳасида барпо этилган замонавий ер ости йўли ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб, шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшди.

Наманганни бежизга гуллар шаҳри дея таърифлашмайди. Баҳор келиши билан бутун шаҳар гулларга бурканади, мисли гулзорга айланади. Шу боис вилоятда гул байрами ўтказиш анъанага айланган. Азал-азалдан гул шайдоси бўлган наманганликлар бу байрамга ўзгача иштиёқ билан тайёргарлик кўрадилар. Гул сайлида қатнашсангиз, ўзингизни жаннатга кириб қолгандай ҳис этасиз. Ранг-баранг ва антиқа гулларни кўриб ҳайратланасиз, тасаннолар айтингиз келади.

Мустақиллик туфайли вилоят саноати ҳам ўзгаришларга юз ўтди. Маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлайдиган ўнлаб қўшма корхоналар ишга туширилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва харидоргир маҳсулотлар дунё бозорига кириб борди. Ҳозирда нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятнинг чекка туманларида ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликда тузилган ўнлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Эркин ҳаракат қилиш учун имконият борлиги, ҳуқуқий асос мавжудлиги хорижий сармоядорларнинг ҳам қизиқишини ортирмоқда. Алалхусус, бундай қўшма корхоналарнинг сони кўпайиб, саноатдаги улуши ҳам кун сайин ортиб бораяпти. Пировардида аҳолининг энг зарур саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятлари ортиб бормоқда. Мисол учун, «Нестле», «Магги», «Тоза ҳаёт», «Нидо» савдо белгилари остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бугун нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Наманган қадимий Буюк ипак йўлининг кўҳна манзилларидан. Бу диёр асрлар оша доимо ривожда бўлган ҳунармандчилик мавқеини йўқотмай келяпти. Қадимда наманганлик тўқувчи усталар тўқиган хонатлас, шойи газламалар шу йўл орқали дунёнинг кўплаб мамлакатларига етиб борган ва юксак қадрланган. Истиқлол туфайли тикланган қадим алоқалар эндиликда янгича мазмунда мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Жумладан, 1998 йилда ишга туширилган «Силк роад» Ўзбек — Япон қўшма корхонаси ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришга, вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Йилига 156 тонна ипак ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада экспорт ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Шунингдек, «Аснамтекстиль» Ўзбек — Турк, «Бунёд» ва хитойликлар билан ишга туширилган «Муслим-Текс» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган, халқаро бозорда ўз истеъмолчиларига эга бўлган харидоргир маҳсулотлар наманганликларнинг юксак салоҳиятини кўрсатиб турибди.



Маълумки, бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли мулкчилик шакллари ўзгарди. Фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилганлиги маҳсулот етиштиришдаги сон ва сифат кўрсаткичларининг ортишига олиб келди. Бозор муносабатларининг қишлоқ хўжалигига тобора чуқурроқ кириб бориши янги мулкдорлар сафини — фермерлик ҳаракатини юзага келтирди. Бугун улар нимага қодир эканликларини ҳар йили деҳқончиликда вилоят эришаётган ютуқларда яққол кўриш мумкин. Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, ғалла, пахта йиғимтеримларида ана шу деҳқон-фермерларнинг қўшаётган ҳиссаси айниқса салмоқли бўлмоқда.

Наманганда ерга меҳр қўйган, тақдирини халқ ризқ-рўзини яратишдек олижаноб иш билан боғлаган инсонлар анчагина. Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси Абдураҳим Ҳамидов ана шундай фидойи замондошларимиздан. Унинг заминга меҳри, касбига бўлган муҳаббати эл орасида айниқса машҳур. Таъбир жоиз бўлса, бу инсон мустақиллик Наманганда кашф этган тўртинчи Қаҳрамон.

Бугун вилоятда 81 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда илм олаётган 75 минг нафардан ортиқ ёшлар яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Ҳур Ватанимиз салоҳияти, келажаги ана шундай истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз манфаатлари йўлида фидойилик билан меҳнат қилишларига боғлиқ. Қайси соҳада бўлмасин, ташаббускорлик, эгалланган чўққи билан кифояланиб қолмаслик, тадбиркорлик замондошларимизнинг кундалик ишига айланиб боряпти.

Шунингдек, Наманган спортчилар юртига ҳам айланмоқда. Боиси, замон талаблари даражасида қурилган спорт мажмуалари ҳамиша соғлом ва бақувват спортсевар ёшлар билан гавжум. Стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова каби ёшлардан вилоят аҳли ҳақли равишда фахрланади.

Янгиқўрғон туманининг Исковот қишлоғидаги 26-ўрта мактаб волейболчи қизларининг довруғи бутун Ўзбекистонга ёйилди. Турли нуфузли мусобақаларда қатнашиб, ажойиб ўйинлари билан тенгқурларини ҳайратга солган қизлар йил сайин янги-янги ютуқларга эришяптилар.

Сўлим табиатидай ёқимли, наманганликларнинг Ватанимиз ободлиги, юртимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари туфайли барча тармоқларда ана шундай салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Яратиш, яшнатиш, азалий қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш, буюк келажак учун қўлдан келганча меҳнат қилиш ҳар бир наманганликнинг эзгу мақсадига айланяпти.

Абдураҳмон НАСРИДДИНОВ, Наманган вилоят телерадиокомпанияси директорининг ўринбосари

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР

ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ АЪЗОЛАРИ, ПАРТИЯНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Гулистон ва Қўқон шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлар хотин-қизлар ва ёшлар мавзуига бағишланди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ҳаётхон Ортиқбоева олиб борган учрашув ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида хотин-қизлар ва ёшларнинг ўрни, ЎзХДП Дастурида илгари сурилган масалаларни амалга ошириш вазифаларига бағишланди. Унда партиянинг «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаоллари иштирок этдилар.

Нафиса ПЎЛАТОВА, ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Бугунги кунда партиямизнинг ёшлар қаноти томонидан турли тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Лекин уларни шунчаки, номигагина ташкил этиш бизга ҳеч нарса бермайди. Менимча, биз — ёшлар қаноти аъзолари ҳам, «Фаол аёллар» қаноти атрофига бирлашган партиядошларимиз ҳам дастурий мақсадларимизни тарғиб қилишда фаол бўлишимиз, ҳар бир ташаббусимизнинг аниқ йўналиши ва самарадорлигига эътибор қаратишимиз керак.

Жуманисо ҚУРБОНОВА, Гулистон шаҳридаги Муқимий маҳалласи бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Бошланғич ташкилотимиз 43 нафар аъзони бирлаштирар эди. Куни кеча сафимиз яна 3 кишига кўпайди. Маҳалламиз ҳудудидаги иккита умумтаълим мактабидаги аълочи ўқувчилар учун «ЎзХДП стипендияси» ташкил қилганмиз. Ўзим раҳбар бўлган «Тоҳир-Зуҳра» кичик корхонасида ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг аксарияти ЎзХДП аъзолари эканлиги ҳам партиямизнинг обрўси, мавқеи ҳақида хулоса чиқариш учун етарли деб ўйлайман. Корхонамиз 4 нафар етим болани васийликка олган, 2 нафар ҳеч ким йўқ қариянинг иссиқ-совуғидан доим хабардор бўлиб турибди. Бундай тажрибаларни бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштирсак, партиямизнинг обрўси янада юқори бўларди.

Шарофат МАҲАММАТОВА, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари:

— Вилоятимиздаги 11880 нафар ХДП аъзосидан 3900 нафари хотин-қизлардан иборат. 20 нафар вилоят Кенгаши депутатидан 6 нафари, 158 нафар шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларидан 58 нафарини партиямиздан сайланган аёллар ташкил этади. Менимча, бу ҳали оз. Ўтган муддат ичида партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига қилинган 579 та мурожаатнинг ҳам кўпчилиги аёлларга тегишли. Уларни таҳлил қилганимизда, қишлоқларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар орасида ҳуқуқий саводхонлик масалаларига бағишланган тадбирларни янада кўпроқ ўтказиш лозимлигига амин бўлдик.

Учрашувда Сардоба туман марказий шифохонаси бош врачи, вилоят Кенгаши депутати Гулнора Қувватова, вилоят «Никоҳ саройи» мудираси, Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Раънохон Бобоева, Гулистон давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Ўғилой Эрбўтаева ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, уларни бажаришда ЎзХДПнинг «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг иштироки хусусида тўхталдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотининг Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида нафақат партия фаоллари, балки маҳалла хотин-қизлар кенгашлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талаба-ёшларнинг иштирок этиши йиғилишнинг янада сермазмун, жонли, қизғин мулоқот асосида ўтишига хизмат қилди.

— Вилоятдаги ХДП аъзоларининг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этади, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси, Энахон Сиддиқова. — Улар партия ҳаётида ташаббускорлик билан иштирок этмоқдалар. Партия кенгашларимиз қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига турли ариза, шикоят, таклифлар билан келаётганларнинг ҳам кўпчилиги хотин-қизлар...

ХДП вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Иноъмжон Ориповнинг ҳисоботи ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Зеро, партия сафларига навқирон йигит-қизларни кўпроқ жалб этиш, улар иштирокида ўтказилаётган ғоявий-сиёсий тадбирларнинг мазмундорлигини ошириш партиямизнинг эртанги кунига ишончни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

ЎзХДП Бувайда туман кенгаш раиси, вилоят Кенгаши депутати Ҳабибахон Тошматова, Тошлоқ туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Д.Пўлатова, Қўқон шаҳридаги Толзор маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Жамилахон Иброҳимова ва бошқаларнинг чиқишларида аёллар ва ёшлар орасида долзарб мавзуларда тадбирлар ўтказиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазасига эътиборни кучайтириш, бунда депутатлар гуруҳлари, Жамоатчилик қабулхоналари ишини фаоллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ижтимоий ҳимоя йили»да амалга оширадиган ишлари хусусида тегишли тадбирлар режаси қабул қилинди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЧОШТЕПАЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Пойтахтимиздаги «Чоштепа» маҳалласи Сирғали туманидаги энг ибратли маҳаллалардан ҳисобланади. Унда беш ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Орипов хотин-қизлар қўмитаси раиси Жамила Шарифуллина ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ҳабиба Мираҳмедова билан ҳамфикр саъй-ҳаракат қилмоқда. Улар баҳорий тозалаш, ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишларига бошқош. Ҳозиргача 500 тупга яқин игна баргли дарахтлар, 200 тупдан ортиқ атиргул кўчатлари экилди. Наврўз арафасида 50 дан ортиқ хонадонга мурувват кўрсатилди. Уруш қатнашчилари, ёлғиз кексалар, беморлар йўқланди ва моддий ёрдам берилди.

Маҳалла гузарида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинди. Тадбиркорлардан Ғайрат Баҳромов, Мансур Юсуповларнинг қилаётган беминнат саъй-ҳаракатлари туфайли хайрли ишлар амалга оширилди.

— Маҳалла ҳудудидаги 303-мактаб ва 4 та кўп қаватли уйларга махсус иситиш мосламалари ўрнатишда фаолларимиз ёрдам кўрсатишди, — дейди маҳалла оқсоқоли Т.Орипов. — Энди маҳалла кўчаларини обод қилиш, янги тўйхона биносини қуриш ҳақида ўйлаяпмиз.

«Чоштепа»да Наврўз шодиёналари ўзига хос байрамга айланди. Кексалар юртда тинчлик, ҳамиша Наврўз бўлсин, дея дуо қилдилар.

Умида МАНСУРОВА

❖ **Иқтисодиёт ва ислоҳот**

ИШИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛСА

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «САМАРҚАНДТЕЛЕКОМ»

Қадимий ва навқирон Самарқанд бу йил ўзининг 2750 йиллик юбилейини катта шодиёна билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, олам аҳлини лол қолдириб келаётган муаззам шаҳар айни кунларда улкан тўйини нишонлаш билан бирга яна бир халқаро анжуманга шайланмоқда. Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги шодиёналарига ҳамоҳанг — «Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивали ҳам шу ерда ўтказилади.

Табиийки, бундай йирик анжуманларга ер юзининг барча қитъаларидан меҳмонлар келади. Бундай дамларда телефон алоқаси ва ахборот ҳамда коммуникация хизматларига эҳтиёж катта бўлади. Бошқача айтганда, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Самарқандтелеком» филиали ходимларининг зиммасига катта масъулият юкланган. Хўш, шундай долзарб паллада самарқандлик алоқачилар қайфияти қандай?

Бундан 15-20 йиллар муқаддам шаҳардаги телефон алоқаси хизматидан одамларнинг кўнгли тўлмаган. Энди эса аҳвол ўзгача. Янги алоқа турлари — радио алоқа, уяли алоқа сингари сўзлашув воситалари ривожланиб кетди. Ҳатто вилоятнинг энг чекка қишлоқларидан туриб ҳам Европа, Осиё, Америка, Африка, қўйингки, узоқ юртлардаги таниш-билишларингиз билан ҳам бемалол гаплашаверасиз.

Эндиликда бу ерда уяли телефон алоқаси ва интернет хизмати кўрсатувчи қатор компания ҳамда фирмалар билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги технологиялар яратиш ва уларни жорий этиш йўлида самарали изланишлар бўляпти.

— Зиммамизга юкланган масъулият даражасида ишлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди **филиал директори Герасим Ли.** — Мамлакатимиз мустақиликка эришгандан буён ўтган қарийб ўн олти йил ичида вилоятимизда алоқа соҳаси тезкорлик билан ривожланди. Ҳукуматимиз алоқачилар олдига компьютерлаштиришни янада юксалтириш, амалиётга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Уларни бажариш учун биз қатор тадбирлар ишлаб чиқдик. Телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва реконструкция қилиш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини барқарорлаштириш ҳамда уларнинг турларини изчил кенгайтиришни таъминлаш йўналишларидаги ишларимиз давом этмоқда...

Дарвоқе, филиал жамоасининг куч-ғайрати билан ўтган 2006 йил ва жорий йилнинг шу даврига қадар телекоммуникация тармоғини кенгайтириш, уларни замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш юзасидан кўпгина ижобий ишлар қилинди. Асосан 2 та лойиҳа бўйича иш юритилди: биринчиси — Японияннг JBIC банки имтиёзли кредити ҳисобидан қишлоқ жойларида янги-янги телефон тармоқлари вужудга келди. Жумладан, вилоят туманларидаги 14 та объектда 192 км. узунликда шиша толали кабеллар ётқизилди. Уларда Японияннг NEC компанияси узатиш тизимлари монтаж қилиниб, ишга туширилди. Бу эса юқори даражадаги сифатли алоқа тизими вужудга килишига йўл очди.

Иккинчиси — Хитой Халқ Республикасининг «Эксимбанк»и кредити ҳисобидан молиялаштирилган «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш» лойиҳаси асосида филиалга қарашли шаҳар, туман коммуникация боғламалари, марказий станциялар («HUAWEI» компанияси томонидан) 26592 сиғимли янги рақамли АТСларга алмаштирилди. Ҳозир 7 та туман марказида рақамли алоқа тизимлари ишлаб турибди. Айниқса, Булунғур туман телекоммуникация боғламасида янги рақамли АТС ишга туширилгани муҳим воқеа бўлди. Бўшаб қолган «Исток» русумидаги 1792 рақамли квазиэлектрон АТС эса Самарқанд туманидаги Улуғбек қўрғонига ўрнатилиб, ишга туширилди.

❖ **Қарор ва ижро**

ХОНАДОНЛАРДА ЧОРВА КЎПАЙМОҚДА

Бойсун туманида ўтган йили ҳомийлар маблағи ҳисобидан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга 143 бош қорамол берилган эди. Туман раҳбарлари саъй-ҳаракати билан шахсий хонадонлар чорвасига зооветеринария хизмати кўрсатадиган 5 та шохобча, шунингдек, омухта ем сотадиган 5 та дўкон очилди.

Бундан ташқари, шахсий хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида аҳолини иш билан банд этиш бўлими маблағлари ҳисобидан 376 оилага 188 миллион сўм, тумандаги акциядорлик ва тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 105 оилага 83,8 миллион сўм кредитлар берилди. Бу одамларнинг чорвачилик билан жиддий шуғулланиши, қорамоллар ҳамда қўй-эчкилар бош сонини ошириш, умуман, гўшт-сут маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда кўпгина оилалардаги сигирлардан соғлом бузоқ олиниб, уларнинг бир моли иккита бўлди.

Баҳодир НОДИРОВ

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизнинг етакчи рақс гуруҳларидан бири «Офарин» замонавий рақс театри эса ўзбек миллий рақсларини янги талқинда ижро этди.

Ҳар бир мусиқий чиқиш ўзбек дизайнерларининг либослар кўргазмаси билан алмашиб турди. Тошкентнинг «Дом Стиля» бирлашмаси модельерлари Шерзод Отабоев, Артём Дробишев, Муҳаммад Ҳаёт, Элмира Иброҳимова ва Гулнора миллий анъаналар ва жаҳон модаси ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги тўпламларни меҳмонлар эътиборига ҳавола қилишди.

Табиийки, жаҳон мода маркази ҳисобланган Париж жамоатчилиги ушбу замонавий шарқона либослар гўзаллигини ҳайрат билан қарши олди.

Франция Сенати жойлашган Люксембург саройида «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» деб номланган фотокўргазманинг очилиш маросими ҳам муҳим маданий тадбирга айланди. Барчада катта қизиқиш уйғотган кўргазма 6 апрелга қадар давом этади.

ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Марсио Барбоза бундай ноёб кўргазмани ташкил қилган жамғармага миннатдорчилик билдириб, фотосуратларнинг бетакрорлигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрига кўра, айнан шундай тадбирлар европаликларни доимо ҳайратга солиб келган ўзбек маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш имконини беради.

— Биринчи кунданоқ ушбу кўргазма катта мувафаққият қозонди, — деди Марсио Барбоза. — Шахсан ўзим ҳам бу кўргазма туфайли Ўзбекистон тарихининг кўплаб янги саҳифаларини кашф этдим.

Қайд этиш жоизки, «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» кўргазмаси ва шу номли антологиянинг чоп этилиши «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг энг муваффақиятли халқаро лойиҳаларидан бири бўлиб, шу пайтгача у Хитой, Япония, Германия, Люксембург, Бельгия, Россия ва Украинада намойиш этилганди.

Ўзбекистон минг йиллик тарих янги маданий йўналишлар билан уйғунлашиб кетган мамлакат бўлиб, бу ерда қадимий анъаналар асраб-авайланиши билан бирга, санъат ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида замонавий йўналишлар ҳам шиддат билан ривожланмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг маданий тадбирларида иштирок этган Франция жамоатчилиги бунга яна бир бор гувоҳ бўлди.

Эслатиб ўтиш жоизки, жамғарманинг ваколатхоналари бугунги кунда Москва, Пекин ва Токиода фаолият кўрсатмоқда. Унинг Францияда ҳам идораси очилиши нафақат ташкилот ҳаёти учун, балки Ўзбекистон ва Европа давлатлари ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги муҳим воқеадир. Бу тадбирлар жамғарма ва ЮНЕСКО ўртасида «Англашув меморандуми» имзоланган бир пайтда ўтказилгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ташкилотнинг халқаро фаолияти жадал суръатларда кенгайиб бораётганидан далолатдир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси матбуот хизмати

ЙИЛ ОХИРИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўтган йил 20 сентябрга ўтар кечаси ҳарбийлар томонидан амалга оширилган давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган Таиланднинг муваққат бош вазири Сураюд Чуланонт мамлакат телевидениесида чиқиш қилиб, шуни алоҳида таъкидладики, шу йилнинг 16 ёки 22 декабрида илк бор демократик сайловлар ўтказилади. Унгача янги конституция ишлаб чиқилади ва қабул қилинади ҳамда демократик институтлар фаолиятининг ўзига хос механизмлари яратилади. Асосий қонун лойиҳаси шу йил сентябрь ойида ўтказиладиган умумхалқ референдумига ҳавола этилади.

«AFP» ахборот агентлиги хабар беришича, ҳозир мамлакатда вазият осойишта, шунинг учун Сураюд Чуланонт ўлкада фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳожат йўқлигини алоҳида уқтирди, гарчи генерал Сонтхи Буньяратглин етакчилигидаги ҳарбий ҳунта (айнан улар давлат тўнтаришини амалга оширишган) мамлакат хавфсизлигини ўйлаб фавқулодда ҳолат жорий этилишини талаб этаётган бўлса-да. Чуланонт ҳар қандай мухолиф сиёсий кучлар билан мулоқотга киришишга, музокаралар олиб боришга тайёрлигини алоҳида таъкидлади.

Нима учун ҳарбийлар томонидан давлат тўнтариши қилинганига аниқлик киритиб шуни айтдики, собиқ бош вазир Таксин Чинават ва у етакчилигидаги маъмурият мамлакат фуқаролари ва Таиланд қироли Пумипон Адульядет хавфсизлигини таҳдид остида қолдирди.

ПОЛИЭТИЛЕН ХАЛТАЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

Сан-Франциско шаҳар кенгаши шаҳарнинг экологик муҳитини яхшилаш ва нефть исроф бўлишининг олдини олиш мақсадида дўконлару супермаркетларда «целлофан» халталардан фойдаланишни тақиқлади, негаки, улар ахлат билан бирга ерга кўмилгач ҳам узоқ йиллар чиримай турaверади, унинг ўрнига ташлаб юборилгач, тезда чириб кетадиган биологик «пакет»лардан фойдаланиш жорий этилади.

«The New York Times» газетасида эълон қилинган маълумотларда қайд этилишича, Сан-Франциско аҳолиси бир йилда 200 миллион донага яқин «целлофан» халта ишлатаркан. Бу полиэтилен халталар эса нефть маҳсулотларидан тайёрланади.



Биологик «пакет»ларга ўтилгач, бир йилда 1 миллион 700 минг литр нефтни иқтисод қилиб қолиш имкони туғиларкан, шунингдек, 1400 тонна ахлат ерга ташланмайди.

Бироқ супермаркет соҳибларининг айтишларича, «полиэтилен пакет»ларнинг тақиқланиши харажатларни кўпайтириши мумкин экан. Чунки билогик «пакет»лар «целлофан»чалик оғирликни кўтара олмаслиги эҳтимолдан холи эмас. Бу эса биологик «пакет»ларнинг кўплаб ишлаб чиқарилишига олиб келади.

Нима бўлганда ҳам шаҳар кенгашининг қарори 6 ойдан сўнг кучга киради. 2020 йилга бориб Сан-Франциско умуман ахлатсиз ишлаб чиқаришга ўтади.

27 ЙИЛДАН БЕРИ

Вьетнамлик 49 ёшли Нгуен Ван Кха 27 йилдан бери уйқу нималигини билмайди. Бироқ ўзини яхши ҳис этмокда. У охирги марта 1979 йили қониб ухлаган. Шундан сўнг ўзида қандайдир ўзгаришлар юз бераётганини сезган ва уйқусизликка мубтало бўлган.

ИТАР-ТАСС ахборотида ёзилишича, шунча йилдан бери ундаги феномен ўзининг илмий тасдиғини топмаяпти. Уни текшириб кўрган Европа ва Шарқ олимлари бу «ҳислат» сабабларини тузукроқ тушунтириб беролмаяпти. Мана-ман деган шифокорлар тавсия этган муолажалар ва дори-дармонлар эса ўз натижасини намоён этмаяпти. Бироқ уйқусизлик унинг соғлиғига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаяпти.

❖ **Хотира — муқаддас**

ЦИРК МАЛИКАСИ

ЁКИ МОҲИР ЧАВАНДОЗ, БИРИНЧИ ЎЗБЕК СЕҲРГАР АЁЛИ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Ўзбек цирк санъатининг машҳур вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Шуҳрат» медали ва «Дўстлик» ордени совриндори Холида Зарипованинг ҳаёт йўли ибрат олса арзигулик. Унинг бу дунёга келиб топган бойлиги жозибадор санъати-ю бешта фарзанди, ўн уч невара, ўндан ортиқ чевараси бўлди.

Холида Зарипова ўз ҳаётини табиатнинг гўзал ва илоҳий жониворлари бўлмиш отлар билан боғлаб яшади. Умрининг охирги лаҳзаларида ҳам арғумоқ миниб одамлар қалбига гўзаллик олиб киришни истарди. 80 ёшлик тавваллуд санасини томошабинлар кўз ўнгида тулпор ўйнатиб нишонламоқчи, ўз ёшлигини ёдга олмоқчигина эмас, балки юраги ҳалиҳамон цирк санъати сеҳри билан ҳамоҳанг эканлигини яна бир бор исботламоқчи эди. Афсус ҳаёт бешафқат экан, уни орамиздан олиб кетди.

...Зариповлар хонадонини цирк артистлари етиштириб берувчи оила, деб бежиз аташмайди. Циркчилар сулоласи асосчиси Карим қизиқ — иродаси мустаҳкам, ғайратли ва ҳаракатчан инсон бўлиб, ўз фарзандлари ҳаётини санъатга бахшида этишида у кишининг хизмати беқиёс. Бу одам ҳамиша фарзандларига нисбатан талабчан ва қаттиққўл, шу билан бирга меҳрибон ҳам эди. Бу ҳол эса катта санъат усталарининг дунёга келишига сабаб бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Холида отаси — Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарипов ташкил этиб, раҳбарлик қилаётган цирк студиясида таҳсил олиш билан бирга, турли томошаларда иштирок этди. Айниқса, от устида муаллақ туриш машқи билан мухлислар эътиборини торта бошлади.

Карим Зарипов ўша оғир йиллари ҳукумат томонидан тузилган ва аскарларга далда бўлиш учун жанггоҳларга юбориладиган ижодий жамоаларга қўшилди. Холида ҳам отаси билан бирга кетиш истагини билдирди. Лекин ота-она уни бу фикридан қайтишини талаб қилишди. У барибир сўзида туриб олди. Ўз қизининг феълини яхши билгани боис Карим қизи Холидани ҳам ўзи билан бирга фронтга олиб кетди. Иккинчи Украина фронти аскарлари ҳузурида бошқа таниқли санъаткорлар билан бирга Карим қизиқ ва Холида ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди.

...Уруш тугаганидан сўнг Карим қизиқ янги томошалар устида жиддий изланишга киришди, машқлар янада кучайтирилди, кўпроқ шогирдлар тайёрлашни, отлар сонини кўпайтиришни режалаштирди. 1946 йили ўз оилавий гуруҳига қўшимча яна олтита ёш ўқувчини қабул қилди. Улар орасида келишган, олижаноб йигит — Фахриддин Шарифбоев ҳам бор эди. Кейинчалик Холидахон бу йигит билан ўз тақдирини боғлади — улар турмуш қуришди.

Карим қизиқ тайёрлаган янги гуруҳ томошалари олти ойлик машаққатли меҳнатдан сўнг тайёр бўлди, улар мамлакат бўйлаб сафарга отландилар. 1947 йилнинг баҳорида кўрикдан ўтиб, жуда кўп шаҳарларда, жумладан Россия ўлкасининг бир қатор манзилларида бўлдилар. Бу шаҳарлар аҳли ўзбек чавандозлари санъатини зўр ҳавас билан томоша қилдилар. Ўша йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган цирк санъати фестивалида Холида «Цирк маликаси от устида» деб номланган дастурни ижро этиб, фестивалнинг бош мукофотига сазовор бўлди.

... Улкан цирк гумбази остидаги ўриндиқларда ўтирган юзлаб одамлар нафасини ичига ютганча аренадан кўз узмасди. Ҳамманинг нигоҳи от устида ўтирган чавандоз аёлга қадалган. Дўмбиралар гумбурлайди. Мана, елиб келаётган от олов ҳалқага яқинлашди. Холида эпчил бир ҳаракат билан олга интилди. Оёқлари от устидан узилди. У бир ўмбалоқ ошди-ю олов ҳалқа ичидан ўтди ва яна тўппа-тўғри от устига келиб тушди. Гумбазни олқиш садолари тутиб кетди. Холида ҳаяжонланганча саҳнани тарк этиб, парда ортига ўтаркан, уни отаси Карим қизиқ қарши олади:

— Балли, қизим! Сен бугун чинакам амазонкаликлардек ҳаракат қилдинг. Табриклайман, ўзбек амазонкаси бўлдинг!

Отасидек қаттиққўл ва санъат учун фидойи инсоннинг унга шундай баҳо бергани Холиданинг ҳаётидаги энг қувончли воқеа эди.

Чет элга қилинган илк ижодий сафар Венгриядан бошланиб, шартнома бўйича икки ой ўрнига тўрт ой давом этди.

Ўша йиллари Венгрия, Германия, сўнгра Мўғулистон матбуоти ўзбек чавандозлари санъатига юксак баҳо бериб: «улар жаҳоннинг энг уста цирк артистларидан қолишмайдилар», деб ёзди. Бу томошалар АҚШ ва Ғарбий Германия телевидениеси орқали кўрсатилди.

Холида Зарипованинг севимли тулпорлари бор эди: «Самарқанд», «Жемчуг» («Марварид»), «Самбо». У уларсиз ҳаётини тасаввур ҳам қилолмасди. Айниқса, «Марварид» жуда ақлли ва садоқатли эди. Бу кулранг арғумоқни у Ригадаги от заводидан тойчоқлигида харид қилиб олганди. Кейинчалик қизи Каримага айнан шу отда илк чавандозлик сабоқларини ўргатди. У эсини танибдики, ёнида ҳамиша отлари учун ширинлик ва қанд олиб юрарди. Тулпорларига меҳрибонлик қилиш унга завқ бағишларди.

Холида опа жароҳат олганидан сўнг ҳам циркни тарк этмади. Эндиликда у ўзбек аёллари ичида биринчи бўлиб сеҳргар аёл сифатида ҳам ном қозона бошлади.

...Саҳнага чиққан сеҳргар аёл қора бўёққа бўялган бўмбўш қутини томошабинларга кўрсатади. Томошабинлар қутининг бўш эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, ичига уларнинг кўз олдида бир дона тухумни солиб қўяди. Зум ўтмасдан бўш қути ичидан қулоқлари узун қуён чиқади. Бир лаҳзадан кейин эса ана шу қуён балиққа ёки жўжага айланади. Бу воқеалар одамлар кўз ўнгида содир бўлаётганлигига ишониш қийин. Ёки ҳозиргина сув тўлдирилган шишага артистнинг сеҳрли таёқчаси теккач, турли ёрқин ранглардаги узундан узун ленталар «оқиб» чиқа бошлайди. Холида опа мўъжизаларга ишонарди ва уни қўл билан яратиш мумкин деб ўйларди. Кўпинча А.Гриннинг «Болалик то инсон сочи оқаргунича у билан бирга яшайди», деган сўзларини такрорлашни хуш кўрарди.

1975 йили Ўзбек давлат циркининг янги биноси қурилди ва унда ўндан ортиқ цирк гуруҳлари иш юритди. Кўз бойловчи ва каптарларни ўйнатувчи Холида Зарипова «Табассум» деб номланган гуруҳга раҳбарлик қила бошлади. «Табассум» труппаси тўрт кишидан иборат эди. Тофиқ Гусейнов ижросидаги ҳайратомуз фокуслар, қизиқчи Григорий Конвиссернинг «ичакузди» кўрсатмалари, ёш дорбоз Юрий Махарашвили ва машҳур Зариповлар сулоласининг етук санъаткорларидан бири Холида опанинг чиқишлари дам олиш уйлари, мактаб ва олий ўқув юртлари, турли корхона ва ташкилотларда намойиш этиларди.

Ўз томошалари билан бутун Ўзбекистонни кезган «табассум»чилар кейинчалик бошқа давлатларга ҳам ўз дастурларини намойиш қилиш учун таклиф қилина бошлайди. Бу ижодий сафарларда томошабинлар ўзбек цирк усталарининг, айниқса, сеҳргар Холида Зарипованинг маҳоратларига тан беришарди.

...1997 йилнинг 24 июнида Холида аянинг умр йўлдоши ҳаётни тарк этди... Холида опа меҳрибон умр йўлдошидан айрилган эди.

Лекин ҳаёт давом этарди. 79 ёшида ҳам аяни аёллик нафосати тарк этмаган, ҳалиҳамон пардоз-андозни жойига қўярди. Ҳаётга бу қадар муҳаббати юксак инсонни кўрган киши борки, унга ҳаваси келарди. Ўзидан тинчиган қизлари оналарини йўқлаб тез-тез келишар, ҳар соҳада унга ўхшашга ҳаракат қилишарди. Фарзанди Улуғбекнинг икки ўғли бўлиб, улар ҳам Зариповлар сулоласи анъаналарини давом эттиришмоқда. Холида опа учун энг катта қувонч ҳам шу эди.

Холида ая кексалигида ҳам уйда ўтиришни эп кўрмади. Ўзбекистон театр арбоблари ижодий уюшмаси фахрийлари сафида тиним билмас, цирк томошаларини тайёрлаш жараёнида саҳналаштирувчи ва маслаҳатчи сифатида ўз ёрдамини аямасди. Мамлакатимиз ҳукумати фидойи аёлнинг хизматларини инобатга олиб 1998 йили уни «Дўстлик» ордени билан тақдирлади.

У киши билан бўлган сўнгги суҳбатимизда ая билдирган фикрлар бу камтарин инсоннинг васиятига, йўл тадоригини кўраётган инсоннинг қалбида туғилган сўнмас орзуларга айланишини ўша дамда хаёлимга келтирмаган эканман. Негаки, ая жуда бардам, худди ёшлар каби қалби гўзалликка, нафосатга лиммо-лим эди. У киши ҳукуматимиздан, атрофдагиларидан, фарзандларидан миннатдор, бахтли инсонлигини қайта-қайта такрорлагандилар:

— Аввало бизнинг меҳнатимизни қадрлаган халқимизга, Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Бизнинг камтарин хизматларимиз эъзозланганидан қувонаман, — деганди ая.

— Баъзан ўйланиб қоламан, Зариповлар сулоласи фақат цирк учун яшаган экан, — давом этади ая. — Биз на бойлик топишга, на уй-жой қилишга қизиқибмиз. Бутун топганимиз, борлиғимиз циркка бағишланган экан. Лекин мен бундан ҳеч қачон афсусланмайман. Негаки, Зариповларнинг энг катта бойлиги бор, у ҳам бўлса — ЦИРК САНЪАТИ...

Бугун аянинг мунис чеҳрасини кўз олдимда гавдалантирар эканман, у кишининг пок руҳлари олдида ҳамиша ўзимни қарздордек ҳис этаман. Назаримда ая ўз умри давомида кўзлаган манзиллар чўққиси томон қатъият билан интилди. У ўз мақсадига эришди. Барчамиз ҳавас қиладиган ва бунга арзийдиган нурли ҳаёт йўлини босиб ўтдилар. Ўзбек аёлининг довруғини дунёга танитганлардан бири сифатида цирк санъати тарихида ёрқин из қолдирди.

Адиба ҲАМРО қизи

Суратларда: *Холида Зарипова отаси билан; саҳнада.*

(Архив суратларидан фойдаланилди)

Оддий каналлар рақамли узатиш тизимига ўтказилиши муносабати билан Каттақўрғон шаҳри ва Нуробод оралиғидаги эски линия симёғочлари ўрнига шиша толали рақамли узатиш линиялари ётқизилди. Самарқанд шаҳрининг ўзида кўп каналли линиялар ўрнатилди. 7 рақамли алоқага ўтиш орқали 80 та чиқиш ва 160 та кириш каналлари вужудга келди. Ҳозир барча туманлар ва Самарқанд шаҳридаги алоқа тармоқларида абонентларнинг телефон рақамини биринчи сўровдаёқ аниқлаб берадиган маълумот хизматини бажарувчи алоқа воситаси фаолият юритмоқда.

МИЖОЗ ҲАМ МАМНУН

ФИЛИАЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА

Филиал ишчи-хизматчилари ҳозиргача вилоятдаги 15 тумандан 10 тасида рақамли узатиш тизимларини ишга туширишди. Жорий йилнинг биринчи ярмига қадар барча туманларда рақамли алоқа йўлга қўйилади.

Яна бир гап: қишлоқ жойларида кўпинча электр токи таъминотида узилишлар бўлиб, натижада телекоммуникация боғламаларида муайян қийинчиликлар, муаммолар вужудга келарди. Бундай ҳолларда филиал жамоасига «Уздунробита» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик анча қўл келди. Мазкур корхона ёрдамида «TEKSAN-TJ46M русумли 36 квт.ли (автоматлашган ҳолда ўчиб-ёнадиган) дизель генератори қурилмалари монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Кейинги йилларда корхона иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда. Жумладан, 2006 йил давомида 2 млрд. 272 млн. сўмликдан зиёд телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Даромад режаси 142,5 фоиз бажарилди. Пастдарғом, Жомбой, Қўшработ, Иштихон ва бошқа туман боғламаларида режа ортиғи билан уддаланди.

Корхонада маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш борасида ҳам қатор ижобий ишлар кўзга ташланди: рақамли АТСлар ишга туширилгач, 16 хил қўшимча хизмат турлари жорий этилиб, 2005 йилда бундай хизматлардан 980 минг сўм фойда олинган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 11 млн. 394,4 минг сўмга етди, ёки — даромад 12 баробар ўсди. Натижада, эҳтиёжга кўра, шу йилнинг 1 январидан филиалнинг барча боғламаларида маркетолог штати жорий этилди.



Жамоа 2007 йил учун телекоммуникация воситаларини янада ривожлантириш борасида ўз бизнес-режаларини белгилаб олишган. Масалан, Пайариқ туманидаги Челак шаҳрида, Самарқанд туманидаги Улуғбек ва Раванак, Пастдарғом туманидаги Чархин ва Ғазалкент, Иштихон туманидаги Митан, Ургут туманидаги Сайгус, Оқдарё туманидаги Даҳбед қўрғонларида АТСлар замонавий рақамли АТСларга алмаштирилади. Интернет тармоқлари, электрон почта, электрон имзо ва электрон ҳужжат айирбошлаш ривож топади. Даштлик ва тоғ ён-бағирларидаги қишлоқларда 200 та шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув «қароргоҳ»лари ёнида симсиз телефонлардан фойдаланиладиган 50 та шохобча ташкил этилади. Биргина шу йилнинг февраль ойида 5 та шундай «қароргоҳ» ишга туширилди.

Ҳа, чиндан ҳам кейинги йилларда иши бароридан келаётган филиал жамоасининг нуфузи «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида анча юксалди. Унинг хизмат турларидан баҳраманд мижозлар ҳам эндиликда мамнунлар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2007 йилнинг 1,4,8,11,15,18,22,25,30 май ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июнь кунлари кимошди савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 930 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 2 210 500 сўм*** ва 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 927 бўлган «ЗИЛ-138» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 2 208 492 сўм.***

Ҳамда Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 4-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 878 бўлган «Опел-Вектра» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 3 500 000 сўм.***

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси 45-«а» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 679 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 1 530 000 сўм.***

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-02-49.

Гувоҳнома № 000815

❖ Мулоҳаза

ЙЎЛОВЧИ СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА КИМ ҚАЙҒУРАДИ?

Бу изтиробли воқеани ҳамон эзилиб эслайман.

Тошкентдан Денов томон йўлга тушган автобус йўловчилари соат 22.00 ларда овқатландик. Ёнимдаги столга бир аёл қизи билан ўтирди. Аёл озғингина, дардманддай кўринди, назаримда. Бир пиёла чой узатдим, суҳбатлашдик.

Автобусимиз «Дарбанд» йўлпатрул хизмати масканига етмасдан, йўловчилар автобусни тўхтатишни ва бир аёлга тез тиббий ёрдам зарурлигини айтишди. Ярим тун эди. Йўловчилар орасида бирор киши шифокор эмас экан. Йўл-патрул масканидагилар оғир ётган беморни «Дамас»да қишлоқдаги касалхонага олиб кетишди. Афсус... 42 ёшли бемор — О.Ёқубованинг жони йўлда узилди.

Мени бир нарса қаттиқ ўйлантиради. 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунида: «Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш, транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини вақтивақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш», йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кераклиги ҳақида ёзиб қўйилган.

Қонуннинг мазмун-моҳиятидан аниқ-равшан кўриниб турибдики, инсон омили устуворлиги энг муҳим, деб белгилаб қўйилган. Унинг дастлабки сатрларига эътиборни қаратайлик: «Йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланган шахсларга тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар ёрдам кўрсатиш... амалга оширилади». Биринчи тиббий ёрдамни ким беради? Ҳайдовчими? Йўл-патрул хизмати ходимларими? Тиббиёт ходимлар, айтайлик, ярим тунда, қаердан, қанча вақтда ёрдамга етиб келади?

Бу саволлар кишини ўйлантириб қўяди.

Хизмат юзасидан Тошкент-Қарши-Термиз-Денов-Узун йўлларида кўп бор тунда ҳам, кундузи ҳам юрганман. Айниқса, Тошкент-Урганч-Нукус халқаро аҳамиятга эга бўлган магистраль йўлларда йўловчиларга махсус тиббий ёрдам кўрсатувчи бирон-бир маскан йўқ. Ахир, йўловчи манзилигача 15-20 соат йўл босади. Иссиқ жон, гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд. Бундан бир неча йил муқаддам «Мискин» йўл-патрул хизмати масканида, авторанспорт тўхташ жойи бўлмагани сабабли автоҳалокат рўй берди. Тиббий ёрдам учун бир неча юз километр йўл босиб, Ҳазораспга боришга тўғри келди.

Ўзим гувоҳ бўлган яна бир воқеани эсладим. Нукусдан келаётган автобус йўловчилари ярим тунда қий-чув қилиб қолишди. «Дўхтир борми, ёрдам беринглар», деди бир йўловчи. Йўлда бир соатларча қолиб кетдик. Ҳайриятки, бир шифокор бор экан, беҳуш ётган бемор дардига малҳам бўлди.

Истак шуки, Қонунда кўрсатилганидек, йўлда жабрланганларга ҳайдовчи ҳам, йўл-патрул хизмати ходими қатори, энг аввало тиббиёт ходимларининг ўзлари ёрдам беришларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун балки маълум бир жойларда туну кун хизмат қиладиган саломатлик посбонларининг масканларини ташкил этилиши керакдир.

Йўловчи ҳам истеъмолчи, унинг тиббий ҳуқуқлари поймол этишли адолатдан эмас. Унинг соғлиғи учун ким қайғуради?

Шундай экан, ҳар бир йўловчи ташийдиган автобусларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган дори-дармон, ашёлар бўлиши зарур. Ва энг аввало, шифокорлар фуқароларимиз — истеъмолчилар саломатлиги йўлида йўлдами, чўлдами, туну-кун хушёр туриб, ўз хизмат-бурчларини адо этишларини жуда-жуда хоҳлардик.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси аъзоси.

❖ Таҳририятимиз меҳмони

«БИЗ НАФАҚАТ ҚЎШИҚ ҚУЙЛАЙМИЗ...»

Бугунги кунда замонавий эстрада йўналишида ижод қилиб келаётган умидли санъаткорлар орасида Дилдора НИЁЗОВАнинг ҳам ўз услуби, овози бор. Унинг шу кунгача яратган қўшиқларида Ватанга муҳаббат мавзусидан тортиб ота-онага ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат ҳамда севги туйғуларининг ўзига хос тарзда талқин этиб келинаётгани диққатга сазовор. Яқинда хушовоз хонанда билан учрашиб, бугунги ижодий изланишлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Дилдора, аввало айтингчи, сиз учун қўшиқ нима?

— Қўшиқ — кўнгил мулки. Яхши қўшиқ инсон руҳиятини яшанатади, уни эзгуликлар қилишга ундайди, одамларда яхши хислатларни тарбиялашга хизмат қилади. Шу маънода ижоднинг бу тури ҳар қандай истеъдод соҳибидан алоҳида эътибор ва масъулият билан ишлашни талаб қилади. Бир қўшиқчи сифатида халқимиз орасида ўз мухлисларим, ўз тингловчиларим борлигидан фахрланаман.

— Айни чоғда қандай мавзуларда қўшиқлар яратяпсиз? Умуман, сиз кўпроқ қандай пайтларда қўшиқ яратасиз?

— Албатта, янги қўшиқ яратиш осон эмас. Бунинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Мен кўпинча ёлғиз қолганимда кўпроқ хиргойи қилиб, янги мавзулар топишга ҳаракат қиламан. Шунда ўз-ўзидан янги куй туғилади. Одамлар дарди билан яшаган санъаткоргагина бахт кулиб боқади. Сўзларим баландпарвоз туюлмасину, ҳаётда қийинчилик кўрган санъаткоргина дилдан қўшиқ куйлай олади. Агар овозингиз ва хонишингиз билан одамларнинг юрагига кира олмасангиз, қўшиқ айтишнинг кераги йўқ. Қачон қийналиб-қийналиб янги қўшиқ яратсам ва одамларга манзур бўлса, ўзимда йўқ хурсанд бўламан.

— Қўшиқларингизда кутилмаган нолалар бор. Шундан бўлса керак, мухлисларингиз кўп. Куйларни ўзингиз басталайсизми?

— Қўшиқнинг яхши чиқиши энг аввало, шеърга боғлиқ. Баъзи қўшиқларимга ўзим ҳам куй ёзганман. Бироқ бастакорлар билан ҳамкорликда куй басталасангиз сиз кутган натижа чиқиши мумкин. Мен китоб дўконларига кириб қолсам шеърий китоблар излайман, кўнглимга ёққанини, албатта, сотиб оламан. Баъзилар буюртма қилиб қўшиқ ёздиради. Афсуски, бу йўл билан яхши қўшиқ яратиш қийин. Қанча кўп ўқисангиз, изланса нгиз яхши шеърлар топасиз. Матн маъқул бўлса, юракни жиззиллатиб ўтса, ундан албатта яхши қўшиқ чиқади. Фақат астойдил меҳнат қилиш керак.

— Кейинги йилларда ёшлар орасида эстрада санъатига эътибор айниқса кучайди. Шу боис саҳнада янги-янги санъаткорлар пайдо бўлаяпти. Ҳозирги қўшиқчилик ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бугун эстрада йўналишида дадил ижодий изланишлар давом этмоқда. Бу ижобий ҳолат албатта. Бироқ ҳозирги қўшиқчилик ҳақида ташвишланмай гапириб бўлмайди. Чунки қўшиқчилик фақат севги-муҳаббатдан иборат эмас-ку. Қолаверса, муҳаббат — муқаддас туйғу. Уни бачканалаштириб бўлмайди. Ўзингиз ҳам ўйлаб кўринг, яратилаётган кўпгина клипларда муҳаббатнинг у ёки бу тарздаги «изҳори» баён қилинади. Бу кимгадир ёқар ҳам дейлик. Лекин мана шунга ўхшаш бачканалик билан мухлислар қалбидан жой олиб бўлмайди.

Ахир яратилаётган ҳар бир клипни миллионлаб томошабин кўради. Шундай экан, клиплар яратишда ҳам савия масаласига кўпроқ эътибор қаратсак, ёмон бўлмайди деб ўйлайман. Бунда албатта халқимизнинг юксак дидини, дунёқарашини, менталитетини ҳам ҳисобга олиш керак. Ахир бу билан биз нафақат қўшиқ куйлаймиз, балки маданиятимизни ҳам намойиш қиламизку...

— Айтингчи, эстрада санъатини ривожлантириш учун яна нималарга эътибор бериш зарур?

— Санъат ниҳоятда муқаддас даргоҳ. Уни шунчаки ҳою-ҳаваслар билан юксак даражага кўтариб бўлмайди. Шундай экан, бугун яратилаётган қўшиқларда тарбиявий ва маданий меъёр масаласига эътибор қаратиш жуда муҳим. Она-Ватанни куйлаётган санъаткор ватанпарварлик туйғуларидан яхши хабардор бўлса, муҳаббатни талқин қилган ижодкор шу мавзуга мос қарашларни теран ҳис қилса, ўйлайманки, бундай қўшиқ нафақат тингловчи қалбига йўл топади, балки юксак даражадаги санъат намунасига ҳам айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча-барчани халқимизнинг улуғ байрами — Наврўз айёми олам билан чин юракдан табриклайман. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин. Қувончли кунларда эл-юртга хизмат қилиш бахти барчамизга насиб этсин.

Суҳбатдош:
Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

БИРИНЧИ ДАВРАДАН СЎНГ

Beijing 2008

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ «F» ГУРУҲИДА ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ ТУРИБДИ

Футбол бўйича Пекин олимпиадаси саралаш баҳсларининг Осиё минтақаси иккинчи босқич гуруҳ учрашувларининг биринчи давраси якунланди. Мусобақанинг «F» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси сўнгги турда Сеулда Жанубий Корея футболчилари меҳмони бўлди.

Дастлабки учрашувларда БАА (2:1) ҳамда Яман (1:0) вакилларини мағлубиятга учратган олимпиячиларимизга мухлислар бу сафар ҳам омад кулиб боқади деган умидда эдилар. Бироқ якунда футболчиларимиз ҳужумкор ўйин намойиш этишларига қарамай, илк мағлубият аламини тортишди — 0:2. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида яманликлар ўз майдонларида БАА вакилларига имкониятни бой беришди — 1:2. Шундай қилиб биринчи даврадан сўнг, Жанубий Корея олимпиячилари (9 очко) гуруҳда карвонбошилик қилмоқда. Ҳамюртларимиз эса 6 очко билан иккинчи поғонани эгаллаган. БАА футболчилари ҳисобида 3 очко бор. Яман Олимпия терма жамоаси эса барча рақибларига имкониятни бой берган.

18 апрель куни Ўзбекистон — Жанубий Корея, БАА — Яман Олимпия терма жамоалари ўзаро куч синашадилар.

Қолган гуруҳларнинг учинчи тур ўйинлари эса қуйидагича тугади: **«А» гуруҳи.** Покистон — Қувайт — 0:3, Баҳрайн — Қатар — 4:2. **«В» гуруҳи.** Сянган — Малайзия —0:1, Япония — Сурия — 3:0. **«С» гуруҳи.** Индонезия — Ливан — 1:2, Уммон — Вьетнам — 3:1. **«D» гуруҳи.** Австралия — Саудия Арабистони — 2:0; Эрон — Иордания — 0:0. **«Е» гуруҳи.** Ироқ — Таиланд — 1:1, Ҳиндистон — КХДР — 0:2.

Эркин ХОЛБОБО

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси 2007 йил манзилли дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №1:

ЛОТ-1/1	«Ғаллаорол тумани, Ғўбдин ҚФЙ Хўжакабуд қишлоғини сув билан таъминлаш»
ЛОТ-1/2	«Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ ҚФЙ Чўмичлик — Навоий қишлоғини сув билан таъминлаш»
ЛОТ-1/3	«Зомин тумани, Ширин ҚФЙ Қудуқча ва Муғол қишлоқларини сув билан таъминлаш»

Ишларни тугаллаш муддати: 2007 йил 25 августгача.

Буюртмачи манзили: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.**

Ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

Ушбу топқирлик машқи тўрт ҳарфли сўзлардан тузилган. Жавоблар шаклдаги кўрсаткич йўналиши бўйича ёзилади. Сканвордни тўғри ечсангиз, ажратилган хоналардаги ҳарфлардан ҳикматли сўз аён бўлади. Машқ жавоблари асосида ҳал этиладиган калит сўздан топқирларга хос атамани билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

(газетанинг 2007 йил 17 март сони)

Энига: 1. Сирдарё. 2. Лампочка. 3. Акробатика. 4. Адаб. 5. Мали. 6. Зулф. 7. Анна. 8. Ёр. 9. Акр. 10. Ранг. 11. Центнер. 12. Ра. 13. «Галдир». 14. Ижозат. 15. Крим. 16. «Аякс». 17. Доро. 18. Асл. 19. Усмонов. 20. Бино. 21. Лоф. 22. Рамазон. 23. Ияк. 24. Достон. 25. Визит. 26. Лао. 27. Ангар. 28. Улоқ. 29. Оят. 30 Онг.

Бўйига: 1. Самарқанд. 2. Икар. 3. Арслон. 4. Гилос. 5. Доира. 6. Муфта. 7. Абзал. 8. Асрор. 9. Раунд. 10. Яман. 11. Ёт. 12. Комил. 13. Лифт. 14. «Наво» 15. Акация. 16. Озиқ. 17. Манеж. 18. Овоз. 19. Панно. 20. Дания. 21. Одат. 22. Зобит. 23. Чаён. 24. Ария. 25. Бретон. 26. Кин. 27. Антрополог.

МУАММОНОМА

Ҳикмат: Ватанга, оилага ва ота-онага садоқат — бурчдир.

«МАДАНИЙ МОЛЛАР» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УЛГУРЖИ БАЗА-КОНТОРАСИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2007 йил 3 май соат 16.00 да йиллик умумий йиғилиш ўтказилишини маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шоҳсанам кўчаси, 5-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарма раисининг 2006 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 2006 йил бизнес-режасининг бажарилиши ҳамда 2007 йилда ривожланиш истиқболлари ҳақидаги ҳисоботи.
2. 2006 йилдаги фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботи ва йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
3. 2006 йил якуни бўйича фойдаларни тўлаш ҳақидаги қарори ва фойда миқдорини тасдиқлаш ҳамда фойдаларни тақсимлаш ҳақида.
4. Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
5. Мустақил аудитор хулосасини тасдиқлаш.
6. «Маданий моллар» РИУБК МЧЖнинг 2007 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Молиявий-хўжалик фаолиятининг якуни бўйича 2007 йилга жамият ички аудиторини тасдиқлаш.
8. Ҳар хил масалалар.

Ижроия органи.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2005 йил 21 октябрдаги 10187-Т сонли иши бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори билан «Лойиҳалар таҳлили ва қонуноктуравий тадқиқотлар» Маркази ТУГАТИЛАДИ.

Тугатиш комиссияси кредиторлар даъво ва эътирозларини эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қабул қилади.

Тел.: 398-01-47.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2007 йил 15 мартдаги 9-сон баённига биноан:

Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 15-моддаси, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунининг 23-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг V бўлим 25-банди, VI бўлим 28-бандига мувофиқ, «MANEM-PRESS MEDIA» МЧЖ 2003 йил 19 ноябрда берилган AI 030-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилган, деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «QORAKO'L JILOLARI» шўъба корхонаси код ОКПО 21162310 ИНН 206528305 ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади. *Телефон: 143-34-13.*

ТошДУ томонидан 1975 йилда Абдуллаева Насиба Ғаниевна номига берилган А-11 №171937 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249

14815 nusxada bosildi

1 — Тижорат материали

O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 22.30
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda